THE GROWTH RATE OF INDICATORS OF SPECIFIC COORDINATION ABILITIES OF CHILDREN AGED 6 YEARS	450-456
<i>Abatov Jalgasbay Orinbaevich</i>	
TEACHING FINE ART LESSONS IN CONNECTION WITH HISTORY	457-463
<i>Akramjonova Feruza Akramjonovna</i>	
INFLUENCE OF INNOVATIVE EDUCATIONAL ENVIRONMENT ON THE EDUCATIONAL PROCESS IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTION	464-468
<i>Makhmudova Zulfiya Khomitovna</i>	
ORGANIZATION OF PRESCHOOL EDUCATION AND FAMILY COOPERATION	469-476
<i>Abduvasieva Mahmuda Khamidullo qizi</i>	
UNIQUE ASPECTS OF THE CHINESE EDUCATION SYSTEM	477-483
<i>Boboqulov Chori Urolovich</i>	
PEDAGOGICAL PROBLEMS IN THE FORMATION OF MENTAL ABILITIES IN PRIMARY CLASS STUDENTS AND THEIR SOLUTION	484-489
<i>Esanova Gulchehra</i>	
PRINCIPLES AND METHODS OF PHYSICAL TRAINING OF YOUNG FOOTBALL PLAYERS	490-497

Received: 22 April 2024

Accepted: 1 May 2024

Published: 10 May 2024

Article / Original Paper

**PUBLIC EVENTS FOR THE ORGANIZATION AND HOLDING OF EVENTS
TIMELY ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE COMPANY
IMPLEMENTATION OF PUBLIC AWARENESS ACTIVITIES ESSENCE,
SIGNIFICANCE AND CHARACTERISTIC FEATURES**

Sharipov Sanjar Sobirovich,

Head of the Department of Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Associate Professor

E-mail: 5760slash@gmail.com

Bozorov Azimjon Akhatovich,

Researcher of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Abstract. In this article, special attention is paid to the issues of improving the organization of Management in the process of reforming the activities of public order sacking during the organization and holding of public events. Because no organ with a failed control mechanism can function effectively. Therefore, in order to increase the effectiveness of the activities of units of public order disassembly during the organization and conduct of mass events, it is required to organize the existing forces, properly organize, coordinate and manage their activities. The article also provides definitions by scientific analogy to the basic concepts of "public events" and "governance".

Keywords: The peculiarities of organizing and conducting public events, public order, public order sacking, dizziness, management activities, organization and holding of public events.

**ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ВАҚТИДА
ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ
МОҲИЯТИ, АҲАМИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Шарипов Санжар Собирович,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Академияси кафедра бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Бозоров Азимжон Ахатович,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тадқиқотчisi

Аннотация. Ушбу мақолада оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ислоҳ қилиш жараёнида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Негаки, бошқарув механизми муваффақиятсиз бўлган ҳеч бир орган самарали ишлай олмайди. Шундай экан, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун уларда мавжуд кучларни ўюштириш, фаолиятини тўғри ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш талаб этилади. Шунингдек, мақолада "Оммавий тадбирлар" ва "Бошқарув" оид асосий тушунчаларга илмий қиёслаш орқали таърифлар берилган.

Калит сўзлар: Оммавий тадбирлар, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, жамоат тартибини, жамоат тартибини сақлаш, бошқариш, бошқариш фаолияти, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I5Y2024N50>

Замонавий жамиятда шахснинг коммуникатив, спорт ва маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган аҳолининг ижтимоий фаолиятининг энг кенг тарқалган шаклларидан бири бу турли оммавий тадбирлардир. Оммавий тадбирлар фуқароларнинг конституциявий хуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш шаклларидан бири бўлиб, қоида тариқасида кўплаб шахслар иштирокида шаҳар кўчаларида, майдонларда, ҳар қандай биноларда, концерт залларида, очик спорт иншоотларида, маҳсус йўлларда ва бошқа жамоат жойларида ўтказилиши мумкин [14].

Ушбу оммавий тадбирларда кўп сонли одамларнинг тўпланиши, уларнинг соғлиғи ва ҳёти учун хавфли вазиятни келтириб чиқариши мумкин, мисол учун, содда қилиб айтганда бирорнинг кескин қичқириғи, қарсак чалиш, тартибсиз ҳаракатлар ёки ёнғин хавфи каби омиллар ушбу жараёнда вазиятни бир зумда издан чиқариши ёки бошқа кутилмаган ҳолатларга олиб келишига сабаб бўлиши мумкин.

Барча даврларда ҳам аҳоли иштирокидаги оммавий тадбирларни ташкил этиш ва уни ўтказиша йўл қўйилган камчиликлар турли салбий ҳолатларни хусусан, одамларнинг ҳалок бўлиши ёки катта миқдордаги мулкий зиёнлар келтириб чиқаргани тарихдан маълум.

Маълумки, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва уни ўтказиша иштироқчилар, томошабинлар ва жамоат тартибини сақловчи субъектлар ўртасида ижтимоий муносабатлар юзага келади ҳамда ривожланиб борада, ушбу муносабатлар хуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Бугунги кунда, жаҳоннинг барча мамлакатларида оммавий тадбирларни ташкил этиш ва уни ўтказиша жараёнини тартибга солинишига катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Мамлакатимизда ҳам амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген оғатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда [1].

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 29 март куни хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч тузилмалари раҳбарлари иштирокида жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишида, жамоат хавфсизлигига янги таҳдид ва хатарлар тобора ортиб бораётган бугунги шароитда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари

ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди [2]. Бу эса муҳокама қилинаётган масаланинг бугунги кунда нақадар долзарб эканлигини кўрсатади.

Оммавий тадбирлар шароитида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг асосий функцияларидан бири сифатида умумэътироф этилган. Мазкур функцияни амалга ошириш мақсадида турли ташкилий ва ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Жумладан, республикамида ҳар йили минглаб сиёсий, маданий ва спорт оммавий тадбирларини ўtkазилиши юртимиздаги осойишталик ва тинчликни хукмронлигидан далолат беради [13, С.13].

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланганидек, Республикада оммавий тадбирларни ташкил этишда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси органларига юкланган бўлиб [4], бу борада ўзига хос тизим шаклланган.

Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ислоҳ қилиш жараёнида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш масалалари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, бошқарув механизми муваффақиятсиз бўлган ҳеч бир орган самарали ишлай олмайди [7, С.137]. Шундай экан, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун уларда мавжуд кучларни ўюнтириш, фаолиятини тўғри ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш талаб этилади.

Назарияда «бошқарув» ва «бошқарув фаолияти» тушунчалари турлича маънога эга. Бошқарув назариясида «бошқариш» деганда – муайян тизим доирасида амалга ошириладиган ва бошқарувчи орган (шахс – бошқарув субъекти)нинг бошқарилувчи органлар (шахслар – бошқарув обьекти)га таъсир кўрсатиши тушунилади [10, С.279].

Бошқарув – биргалиқдаги фаолият бўлиб, обьектив эҳтиёж пайдо бўлган жойда амалга оширилади, ушбу муҳим вазифаларни ҳал қилишда ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларга эришиш учун ходимлар саъй-ҳаракатини бирлаштиришнинг энг муҳим воситасидир. Замонавий шароитда бошқарувни инсонларнинг ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал қилишга ижтимоий йўналтирилган мақсадли фаолияти сифатида тушунишнинг аҳамияти борган сари ошиб бормоқда [5, С.450].

Ушбу соҳадаги маҳсус адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, «бошқарув фаолияти» кенг маънода бошқарув билан боғлиқ ташкилий ишларнинг барча элементларини ўз ичига олади: ташкилий тузилма, кадрлар, ахборот таъминоти, режалаштириш, назорат қилиш, тартибга солиш ва ҳисобга олиш. Тор маънода бошқарув фаолияти бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиши ва ижросини ташкил этиш билан боғлиқдир [11, С.109].

Бошқарув фаолияти – бу умумий мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида бошқа одамларнинг фаолиятини биргалиқда ташкил этиш борасидаги асосий ва умумий вазифалар билан белгиланадиган ностандарт касбий фаолият бўлиб, иерархия принципига таянади [8, С.440].

Бошқарув фаолияти эса бошқарувнинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган бошқарув қарорларини тайёрлаш ва уни ҳаётга жорий

этиш билан аҳамиятлидир. Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини бошқариш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, маҳсус ташкил этилган ва нисбатан мустақил таркибий бўлинмалар ҳамда мансабдор шахсларнинг тизимнинг изчилиги, мақбул ишлашини ва ривожланишини таъминлашга қаратилган вазифаларини самарали ҳал этишга доир маҳсус фаолият тури ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ҳуқуқшунос Ю.Ю. Орлова тўғри таъкидлаганидек, бошқарув фаолиятининг мазмунини кўриб чиқиш унинг моҳиятини тушунишдан бошланиши керак [7]. Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини бошқаришнинг моҳияти хусусида юридик адабиётлар ва тадқиқотларда турлича ёндашувлар мавжуд.

Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини бошқаришнинг моҳияти – оммавий тадбирларни ташкил этиш ва уни ўтказиш вақтида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилувчи, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат ҳавфсизлигини таъминловчи, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширувчи замонавий тузилмаларнинг шаклланишида намоён бўлади.

Муайян тизим, жумладан оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини бошқариш кенг кўламли фаолият бўлиб, турли функция, шакл ва усувлар орқали таъминланади. Улар ўз мазмун-моҳиятига кўра оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларини бошқариш негизининг муайян асослари (фундаменти)ни ташкил этади. Фикримизча, уларни қуидагича гурухлаш мақсадга мувофиқдир:

- 1) оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари;
- 2) оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-тактик ва методик асослари;
- 3) оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини бошқаришнинг моддий-техник асослари;
- 4) оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини бошқаришнинг кадрларга оид асослари.

Демак, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини бошқариш – ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқий, ташкилий-тактик ва методик, моддий-техникавий ҳамда кадрлар билан таъминлаш орқали амалга ошириладиган маъмурий фаолиятдир.

Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини бошқаришнинг моҳияти ва аҳамияти англаб олиш учун “**Бошқариш**” тушунчаси билан бирга “**Оммавий тадбир**” билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифларини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда оммавий тадбирлар билан боғлиқ тушунчаларга таърифлар келтирилган. Хусусан, “оммавий тадбир” тушунчасига, “100 ва ундан кўп кишиларнинг иштирокида ижтимоий-сиёсий (анжуманлар, конференциялар, съездлар ва бошқалар), маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари (мусиқий,

адабий ва бошқа фестиваллар, концерт, театр, спорт, реклама тадбирлари, халқ саииллари, цирк, миллий намойишлар ва ўйинлар, кўрик-танловлар ва бошқалар), шунингдек умумхалқ, диний, касб байрамларини ўтказиш мақсадида оммавий тадбирни ўтказиш объектида ташкил қилинадиган фуқароларнинг биргаликда қатнашишлари” деб таъриф келтирилган;

Оммавий тадбир ташкилотчиси – оммавий тадбирни ташкил қилиш ва ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олган давлат органи, юридик шахс ва 18 ёшга етган жисмоний шахс;

Ваколатли орган – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари);

Оммавий тадбир иштирокчилари – оммавий тадбир дастурида кўзда тутилган оммавий тадбирларни амалга оширувчи ташкилотчилар, артистлар, спортчилар ва бошқа шахслар, шунингдек томошабинлар [3].

Оммавий тадбирлар уни ташкил этиш ва ўтказиш кўлами, аҳамияти ва турларига қараб алоҳида, биринчи ва иккинчи тоифаларга бўлинади.

Алоҳида тоифадаги оммавий тадбир – “Янги йил”, “Наврӯз байрами”, “Мустақиллик куни”, “Хотира ва қадрлаш куни”, “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш”, “Рўза ҳайит” (Ийд ал-Фитр), “Қурбон ҳайит” (Ийд ал-Адҳа), “Рождество Христово”, “Пасха” байрамларини нишонлашга доир тадбирлар, таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича тест синовларини ўтказиш, умумтаълим мактабларида ўқув йилининг бошланиши ва тугашига бағишлиланган, сайлов ва референдумларни ўтказиш билан боғлиқ, шунингдек, халқаро ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлат раҳбарлари иштирокида ўтказиладиган тадбирлар ҳамда футбол бўйича халқаро миқёсдаги учрашувлар.

Биринчи тоифадаги оммавий тадбир – Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказлари худудида ўтказиладиган алоҳида тоифадаги оммавий тадбир тоифаларига кирмайдиган оммавий тадбир.

Иккинчи тоифадаги оммавий тадбир – алоҳида ва биринчи тоифадаги оммавий тадбирлар тоифасига кирмайдиган оммавий тадбир.

Оммавий тадбирлар биринчи ва иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектлари рўйхатига киритилган объектларда ўтказилиши мумкин. Биринчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектларининг рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектларининг рўйхатлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг таклифлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Айрим оммавий тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари асосида, биринчи ва иккинчи тоифадаги оммавий

тадбирларни ўтказиш объектларининг рўйхатларига киритилмаган жойларда ўтказилиши мумкин.

Оммавий тадбирларни ўтказишида фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш чора-тадбирларига эътибор қаратадиган бўлсак, алоҳида ва иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказишида – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан манфаатдор давлат органлари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилади;

биринчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказишида – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Оммавий тадбирларни ўтказишида жамоат хавфсизлигини таъминлаш зарурятини инобатга олган ҳолда, ички ишлар ва Миллий гвардия органларининг асослантирилган сўровига асосан манфаатдор давлат органлари ва ташкилотларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур миқдордаги куч ва воситалари ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ва Миллий гвардиясининг ҳудудий бўлинмалари ўзларига бириктирилган алоҳида, биринчи ва иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказишида, жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш мақсадида манфаатдор давлат органлари ва ташкилотларининг биргаликда қабул қилган қарорида белгиланган тартибда ҳамкорликдаги режалар (намунавий) ишлаб чиқиши ҳамда объектларда тадбир иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эвакуация қилиш, коммуникация, видеокузатув, замонавий муҳандис-техник ҳимоя воситалари, ёнғин ва техник хавфсизлиги ҳамда атрофни ёритиш тизимларидан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир объектнинг хавфсизлигини таъминлаш паспортини ишлаб чиқади.

Оммавий тадбирларни таснифлаш мақсадида хориж давлатлари ва мамлакатимиз олимлари томонидан тегишли тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, оммавий тадбирларни ўтказишида жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг асосларини таҳлил қилган А.Б. Кодзов, Е.А. Дьяченко, Д.Н. Гущинлар ички ишлар органларининг амалий фаолиятида оммавий тадбирлар уларнинг айрим хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда таснифланади, деган фикрни илгари суришган ва оммавий тадбирларни мазмунига кўра қўйидаги гуруҳларга таснифлашган: – ижтимоий-сиёсий (*ийғилишилар, митинглар, қўча юришлари, намойишлар, съездлар, конференциялар, депутатлар сайловлари, ҳукумат делегацияларини қабул қилиш ва қузатиш маросимлари ва бошқа*); – маданий-томуша оммавий тадбирлари (*фестиваль, карнавал, касбий байрамлар ва халқ сайллари ва ҳоказо*); спорт оммавий тадбирлари (*олимпиада, спартакиада, универсиада, турли спорт турлари бўйича спорт мусобақалари*); – бошқа оммавий-тадбирлари (*дафн маросимлари, диний байрамлари ва бошқа*) [12, С.60]. Ўз навбатида, А.В. Гусев ҳам юқорида келтирилган ёндашувни қўллаб қувватлаган [9, С.38].

Шу билан бирга А.Б. Кодзов, Е.А. Дьяченко, Д.Н. Гущинлар оммавий тадбирларни аҳамияти ва ўтказиши жойидан келиб чиқсан ҳолда регионал, территориал, маҳаллий ва локал турларга ажратишган. Ўтказилиши даврийлиги бўйича бир маротабалик (ҳайкал ёки мемориал очилиши) ва такрорланувчи (намойишлар, спорт тадбирлари, сайловлар)

оммавий тадбирларга ажратишган [12, С.60]. Шу билан бирга юқорида келтирилган олимлар томонидан оммавий тадбирларни таснифлашда уларда иштирок этувчи шахсларнинг сони, уларни умумлаштирувчи жиҳатлари, оммавий тадбирлар иштирокчиларининг мақсадлари мезон сифатида қаралмаган.

Ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борган ҳуқуқшунос олимларни фикрича, жамоат тартиби ва хавфсизлигини соҳаларининг мураккаб, комплекс хусусияти уларни муҳофаза қилишнинг турли восита ва услубларини яратиш заруратини тақозо қиласди. Мазкур соҳаларда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш бўйича чора-тадбирларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилишнинг маъмурий-ҳуқуқий; оператив-қидирав; жиноий-ҳуқуқий ва фуқаровий-ҳуқуқий каби турлари ўрнатилган [6].

Юртимиз олимларидан А.А. Худойбердиев оммавий тадбирларни қўйидаги белгилари бўйича таснифлаш лозимлигини таъкидлаган: – мазмуни ва йўналтирилганлиги бўйича; – аҳамияти бўйича; – ўтказилишининг даврийлиги бўйича; – юзага келиши усули; – иштирок этиш имконияти бўйича [13].

Юқоридаги ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагиларда намоён бўлади. Биринчидан, турли тоифадаги оммавий тадбирлар шароитларида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилинишида; иккинчидан, юзага келган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ўз вақтида жавоб бера оладиган тезкорлик ва мобилликка эгалигида; учинчидан, фаолият йўналишларининг кўп қирралиги ва комплекслилигида; тўртинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашга хизмат қилинишида; бешинчидан, бошқа субъектлар билан ҳамкорликка ва аҳоли билан мулоқотга асосланинишида намоён бўлади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон; 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон.
2. Президент жамоат тартибини сақлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янада кучайтиришни буюрди // <https://kun.uz/kg/23065139>.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205-сон (2014 йил 29 июль) Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.10.2023 й., 09/23/530/0757-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий тадбирларни ўтказища фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 530-сон (2023 йил 6 октябрь) қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.10.2023 й., 09/23/530/0757-сон.
5. Алиуллов Р.Р. Механизм управления органами внутренних дел: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2004. – С.450 // [Электрон манба]. – URL: <http://lawlibrary.ru/disser2018431.html>.

6. *Россинский Б.В., Старилов Ю.Н.* Административное право. М.- Норма, 2010 – 98с.
7. *Орлова Ю.Ю.* Сущность и содержание управленческой деятельности в органах министерства внутренних дел Российской Федерации // Вестник Московского университета МВД России. – 2014. – № 3. – С.136-138.
8. *Агафонова М.С., Берегович К.А.* Управленческая деятельность: её особенности, структура и характерные черты // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2017. – №2. – С. 438-441. [Электрон манба]. – URL: <https://e-koncept.ru/2017/570086.htm> (мурожаат вақти: 19.11.2019).
9. *Гусев А.В.* К вопросу об определении категории «массовое мероприятие» в контексте охраны общественного порядка и обеспечения общественной безопасности // Вестник Уральского юридического института МВД России. – Екатеринбург, 2017. – № 3. – С. 37-41.: <http://elibrary.ru>.
10. *Зиёдуллаев М.З.* Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 279.
11. *Ульянов А.Д.* Управленческая деятельность как научная категория // Труды Академии управления МВД России. – 2018. – № 4 (48). – С. 108-112.
12. *Кодзов А.Б., Дьяченко Е.А., Гущин Д.Н.* Основы обеспечения общественного порядка и общественной безопасности при проведении массовых мероприятий // Юристъ-Правоведъ, 2018, № 4 (87). -С.59-63
13. *Худойбердиев А.А.* Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-хуқуқий таъминлашни такомиллаштириш // Ю.ф.ф.д. Дис.. – 2022. Б. 218-б.
14. *Замураева Е.А.* Охрана общественного порядка при проведении массовых мероприятий // – 2023. №31 (129). URL: <https://scilead.ru/article/4875-okhrana-obshchestvennogo-poryadka-pri-provedene>.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 5 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
мастъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).